

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА - МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК - ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

МЕХАНИКА-ТЕХНОЛОГИЯ ФАКУЛЬТЕТИ

Ҳимояга рухсат этилди
факультет декани, доцент
_____ У.Мелибоев
« ____ » _____ 2011 й.

Кафедра мудири, доцент
_____ И.Азизов
« ____ » _____ 2011 й.

**5540500 - «Тўқимачилик саноати маъсулотлари технологияси» таълим
йўналиши бўйича битирувчи**

Саттаров Мухиддин Махмуджанович

**«УЗУН ТОЛАЛИ ПАХТА ИПЛАРИДАН САТИН МАТОСИ ИШЛАБ
ЧИҚАРАДИГАН ТЎҚУВЧИЛИК КОРХОНАСИНИ ЛОЙИҲАЛАШ»**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Битирувчи:

М.Саттаров

Раҳбар :

доц. Д.Алиева

Маслаҳатчилар:

доц. Д.Алиева

доц. М.Тожибоев

НАМАНГАН 2011 ЙИЛ

Кириш

Инсонларнинг бирламчи эҳтиёжларига озиқ-овқат маҳсулотлари қаторида тўқимачилик саноатининг асосий тайёр маҳсулотлари ҳам киради. Бу эҳтиёжларни қондириш учун республикамиз тўқимачилик саноати корхоналарини ривожлантириш, мавжуд корхоналарни қайта модернизациялаш, янги замонавий жаҳон стандартларига мос келадиган, кўплаб ассортиментли тўқималар ишлаб чиқариш каби масалаларни амалга ошириш зарур.

Президентимиз И. А. Каримов 2011йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилганидан сўнг мамлакатни ижтимоий ва иқтисодий жиҳатдан тараққий эттиришда ва шу асосда жамият аъзоларининг моддий ва маънавий фаровонлигини таъминлашда халқ хўжалигининг етакчи тармоғи бўлган саноат алоҳида ўрин эгаллайди. Бу муҳим соҳа иқтисодий асосларининг назарий, амалий моҳияти ва аҳамиятини тушунадиган, бу борадаги барча янгилик ва ташкилий ўзгаришларни ҳис эта оладиган менежер, технолог ва иқтисодчиларни тайёрлашда, ҳамда туқимачилик ва енгил саноат корхоналари алоҳида аҳамият касб этади. [1]

Бунинг асосий мақсади, ходимларда замонавий фикрлашни, мамлакат миллий иқтисоди, ижтимоий ишлаб чиқариш тизимида корхона мажмуининг эгаллаган ўрнини тавсифлаш, халқ хўжалиги ва аҳолининг саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ва саноат корхонасида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш зарурияти тўғрисидаги умумлашган тасаввурни шакллантиришдан иборатдир.

Тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида ходимларга нафақат муайян ахборот, маълумотлар, билим ва илм бериши, балки уларни ўз фаолиятининг энг муҳим йўналишларини тўғри танлаб олишга, мураккаб иқтисодий муаммоларнинг ечимини топа билишга ўргатади.

Тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида мутахассислик бўйича иқтисодий ходимлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш учун иқтисодий мавзулардан бири бўлгани учун уни ўрганишни алоҳида амалга оширилиши зарур.

Тўқимачилик ва енгил саноат корхоналарида саноат корхонасини бошқариш, башоратлаш, ташкил этиш соҳаларида хизмат қилаётган мутахассилар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Мамлакатимизни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг мантиғи мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошланган ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатдошлигини ошириш ва мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ва юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини 2011 йилдаги асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этмоқда.

Бу ўринда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш ва мамлакатимиздаги хомашё ва ресурсларга бой мавжуд манбалардан оқилона фойдаланиш асосида юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологик маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлайдиган истиқболли иқтисодиёт тармоқлари ҳақида сўз бормоқда.

Ана шу мақсадларга эришиш учун “2011-2015 йилларда Ўзбекистон саноатини ривожлантиришнинг устувор йўналишлари тўғрисида”ги дастур тасдиқланди. Ушбу дастур саноат соҳасида умумий қиймати қарийб 50 миллиард долларни ташкил этадиган 500 дан ортиқ йирик инвестиция лойиҳасини амалга оширишни кўзда тутди.

Яқин беш йил ичида саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажмини камида 60 фоизга ошириш, ялпи ички маҳсулотда унинг улушини 2010 йилдаги 24 фоиздан 2015 йилда 28 фоизга кўпайтиришни таъминлаш вазифаси қўйилмоқда. Бу борада машинасозлик, автомобилсозлик, кимё,

озик-овқат, фармацевтика, қурилиш материаллари саноати ва бошқа соҳаларни жадал ривожлантириш ҳисобидан ушбу тармоқларда икки баробардан зиёд ўсишга эришилади.

Тўқимачилик саноатида экспортбоп рақобатдош маҳсулотлар тайёрлашга йўналтирилган, яқиний ишлаб чиқариш шаклига эга бўлган янги, замонавий тўқимачилик комплексларини ривожлантириш устувор аҳамият касб этиши зарур.

Бу, ўз навбатида, пахта толасини ўзимизда қайта ишлаш ҳажмини 2 баробардан кўпроқ, калава ишлаб чиқаришни 2,6 баробар, тайёр трикотаж ва тикувчилик буюмларини 3 баробар, тўқимачилик саноати маҳсулотлари экспортини 2 баробар оширишни таъминлайди. Юксак технологиялар соҳасидаги лойиҳаларни амалга оширишга алоҳида эътибор қаратилади.

Бу лойиҳалар синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, полиэтилен ва полипропилен маҳсулотлар, суюлтирилган ва сиқилган табиий газ ишлаб чиқариш бўйича янги, замонавий газ-кимё комплексларини барпо этиш, энергияни тежайдиган замонавий технологиялар асосида минерал ўғитлар ҳамда янги турдаги кимёвий маҳсулотлар ишлаб чиқариш, эскирган ускуналарни замонавий буғ-газ қурилмалари билан алмаштириш ҳисобидан энергетика тармоғини жадал ривожлантириш каби соҳаларни қамраб олади.

Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини жадал янгилаш биз учун энг муҳим устувор вазифа сифатида изчил давом эттирилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, узун толали пахта ипларидан сатин матоси ишлаб чиқарадиган тўқувчилик корхонаси технологик жараёнларини лойиҳалаш битирув малака ишида кўриб чиқилди ва ҳисоблаш ишлари бажарилди.

Хом тўқима таърифи

Сатин туридаги ип газламаларга сатин ўрилишида тўқилган сатинлар ва атлас ўрилишида тўқилган ластиклар киради.

Қалинлигига қараб, сатин қайта тараш тизимида йигирилган 14,3-11,7 тексли калава ипдан тўқилган ва карда (оддий) тизимида йигирилган 18,5-15,3 тексли калава ипдан тўқилган хилларга бўлинади.

Сатиннинг ўнги силлиқ, ялтироқ. Сатинда арқоқ ипи ўнгига чиқиб туради, шунинг учун арқоқ бўйича нисбий зичлик(70-75%) танда бўйича нисбий зичликдан (40-45%) анча катта.

Бўялиши жиҳатдан сатинлар сидирға, гул босилган ва оқартирилган хилларга бўлинади. Қайта тараш усулида олинган сатинлар пардозлаш пайтида мерсеризацияланади. Ўнги силлиқ бўлганлиги, ўнгини ҳосил қиладиган тизимнинг нисбий зичлиги катталиги, мерсеризацияланганлиги туфайли сатин ишқалнишга яхши чидайди ва астарлик сифатида ишлатилади. Сатиндан калта иштонлар, халатлр, чўмилганда кийиладиган кийимлар, кўйлақлар ва бошқа буюмлар тикилади. Маълумотномада [2] 509, 620 артикуллардаги сатин тўқималарини тахтлаш кўрсаткичлари келтирилган. Мамлакатимиз йигирув корхоналарида ишлаб чиқариладиган тўқувчилик ипларининг таркибида 18,5 тексли пахта ипининг улуши юқори эканлигини ҳисобга олиб, 620 артикулдаги сатин матосини танладик. Бу артикулдаги сатин матоси учун танда ва арқоқ сифатида оддий (карда) ёки қайта тараш системада йигирилган 18,5 тексли узин толали пахта иплардан фойдаланилади. Бу тўқима сатин ўрилишида ишлаб чиқарилиб, асосан, тўқув дастгоҳида шода кўтариш кареткалари ёки эксцентрикли ҳомуза ҳосил қилиш механизмларидан фойдаланилади. Сатин матосининг танда бўйича зичлиги $P_T=275$ ип/10 см, арқоқ бўйича зичлиги $P_A=475$ ип/10 смни ташкил қилади. Эни 90 см бўлган 100 погонметр сатин матоси ишлаб чиқариш учун

4,566 кг танда ипи, 7,102 кг арқоқ ипи сарфланади. Матони ишлаб чиқаришда танда ипларини қисқариши $a_T=3,6\%$, арқоқ бўйича қисқариш $a_A=7,3\%$ га тенг.

Сатин матосининг сирт зичлиги 131 гр/м^2 бўлганлиги учун енгил тўқималар туркумига киради.

Битирув малакавий ишимизда сатин матосини 100 см ва 140 см энда ишлаб чиқариш технологик жараёнлар кетма-кетлигини лойиҳалаш учун тўқиманинг техник ҳисоби, технологик жараёнларда ишлатиладиган ўрамлар ҳисоби ва чиқиндилар ҳисобини бажариш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

620 артикулдаги сатин тўқмасининг тахтлаш кўрсаткичлари 1-жадвалда келтирилди.

Арт. 620 Сатин тўқимасини тахтлаш кўрсаткичлари

Сатин	1	Маго номи	
620	2	Артикули	
90	3	Матонинг эни, см	
18,5	4	Танда	Ипларнинг чизиқли зичлиги, текс
15,4	5	арқоқ	
18,5x2	6	милк	
2455	7	Жами	Иплар сони
40	8	Милк	
275	9	танда	10 см даги иплар сони, ип/10 см
475	10	арқоқ	
3.6	11	танда бўйича	Ипларнинг қисқариши, %
7.3	12	арқоқ бўйича	
85	13	Номери	Тиф
3	14	Ўрта	Тишда- ги иплар сони
2	15	Милк	
Сатин 5/2	16	Ўрилиш тури	
АТ	17	Дастгоҳ тури	
131	18	Матонинг сирт зичлиги, гр/м ²	
0,63	19	танда бўйича	Чиқинди миқдори, кг
1,28	20	арқоқ бўйича	
4,566 кг 0,155	21	танда бўйича	100 пог.м хом тўқимага хом ашё сарфи, кг
7,102	22	арқоқ бўйича	

Артикули 620 Сатин матоси сатин 5/2 ўрилиши асосида ишлаб чиқарилганлиги учун қуйида сатин 5/2 ўрилишининг тўла тахтлаш дастури келтирилди.

5					O
4				O	
3			O		
2		O			
1	O				

		X		
				X
	X			
			X	
X				
1	2	3	4	5

5					
4					
3					
2					
1					
	1	2	3	4	5

Сатин ўрилиши бош ўрилишлар гуруҳига мансуб бўлиб, бу ўрилишлар билан ишлаб чиқарилган тўқималар сиртида асосан арқоқ қопланишлари акс этади.

Сатин ўрилишида якка танда ёки арқоқ қопланишлари раппорт бўйлаб тенг тақсимланган, шунинг учун сатин ўрилишли тўқиманинг ўнги ва тескариси турлича бўлади.

Сатин ўрилиш раппортида танда ва арқоқ ипларининг сони доим бир хил бўлади. Раппорт миқдори (катталиги) турлича бўлиши мумкин.

Энг кичик раппорт бешта танда ва бешта арқоқ ипларига тенг. Сатин ўрилиш каср билан белгиланиб, суратида раппортдаги ҳар бир система иплари сони, махражида эса қопланишларнинг силжиш миқдори кўрсатилади. [3]

$$A = R / S \quad 2 < S < R-1$$

R-раппорт S- силжиш

Сатин 5/2 ўрилишида танда ва арқоқ бўйича раппорт 5 га тенг ($R_T = R_A = 5$), силжиш сони 2 га тенг ($S = 2$).

Тўқимани тахтлаш ҳисоби

1. Ўрилиш коэффициенти ҳисоби

$$F = \frac{2R_T \cdot R_A}{t_T + t_A} = \frac{2 \cdot 5 \cdot 5}{5 + 5} = 5$$

R_T, R_A – тўқима ўрилишининг танда ва арқоқ иплари бўйича раппорти.

t_T, t_A – раппорт чегарасида танда (арқоқ) ипларини арқоқ (танда) ипи кесиб ўтиш сони. Сатин 5/2 ўрилишида $t_T, t_A = 5$

2. Тўқув дастгоҳи турини танлаш

Берилган тўқима ассортиментини тўқиб чиқариш учун тўқув дастгоҳини тўғри танлаш муҳим рол ўйнайди. Ишлаб чиқариладиган тўқима сифати, маҳсулот миқдори, сарф харажатларни камайтириш, қўл меҳнатини энгиллаштириш каби кўрсаткичлар, тўқув дастгоҳини тўғри танланишига боғлиқ.

Тўқув дастгоҳини танлашда қуйидагилар асосий манба ҳисобланади:

-берилган тўқима ассортиментини тўқиш учун тола ёки ипни нисбий чизикли зичлиги тўғри келиши;

-берилган тўқима ассортиментини тўқилгандан сўнг олинадиган хом тўқима кенглигини, стандарт тайёр тўқима кенглигига тўғри келиши;

-тўқима учун олиш мумкин бўлган ўрилиш тури;

-тўқув дастгоҳида берилган тўқима ассортиментини тўқиш имкониятини аниқлаш (танда ва арқоқ ипларини тўқимадаги зичлигига, ўрилиш турига ва бошқаларга боғлиқ). Бу имкониятлар тўқув дастгоҳи характеристикасида кўрсатилади.

Тўқув дастгоҳини ишчи кенглигини танлашда уни ишлатиш имкониятидан тўлиқ фойдаланишга ҳаракат қилиш зарур.

Тўқув дастгоҳини тўқима тўқиш кучи ёки имконияти асосан 2 та кўрсаткич орқали ифодаланади.

а) тўқимани боғланиш коэффициенти C ;

б) толали материаллар билан тўқимани тўлдириш коэффициентини.

Тўқув дастгоҳини турини танлаш қуйидаги кўрсаткичларни миқдорини ҳисоблаш орқали амалга оширилади:

Тўқимани боғланиш коэффициентини C ва уни толали материаллар билан тўлдириш коэффициент ($K_{\text{Тук}}$)лари аниқланади, дастгоҳ тури танланади.

2.1. Тўқимани боғланиш коэффициентини ҳисоби.

$$C = \frac{P_T \cdot P_A \cdot T_{yp}}{F \cdot 1000} = \frac{27,5 \cdot 47,5 \cdot 16,8}{5 \cdot 1000} = 4,389$$

P_T – тўқимани танда иплари бўйича зичлиги, 27,5 ип/см

P_A – тўқимани арқоқ иплари бўйича зичлиги, 47,5 ип/см

T_{yp} – танда ва арқоқ ипларини ўртача чизикли зичлиги, текс

$$T_T \neq T_A \text{ бўлганда, } T_{yp} = \frac{2 \cdot T_T \cdot T_A}{T_T + T_A} = \frac{2 \cdot 18,5 \cdot 15,4}{18,5 + 15,4} = 16,8 \text{ текс}$$

2.2. Тўқимани толали материаллар билан тўлдириш коэффициентини.

$$K_{\text{Тук}} = K_{\text{Тан.}} \cdot K_{\text{Арқ.}} = 0,85 \cdot 1,47 = 1,25$$

а) тўқимани танда иплари билан тўлдириш коэффициентини

$$K_{\text{Тан.}} = \frac{P_T (R_T \cdot d_T + r_A \cdot d_A)}{R_T \cdot 10} = \frac{27,5 \cdot (5 \cdot 0,16 + 5 \cdot 0,15)}{5 \cdot 10} = 0,85$$

б) тўқимани арқоқ иплари билан тўлдириш коэффициентини

$$K_{\text{Арқ.}} = \frac{P_A \cdot (R_A \cdot d_A + r_T \cdot d_T)}{R_A \cdot 10} = \frac{47,5 \cdot (5 \cdot 0,15 + 5 \cdot 0,16)}{5 \cdot 10} = 1,47$$

d_T, d_A – танда ва арқоқ ипи диаметри, мм.

r_T, r_A – ўрилиш раппортида танда (арқоқ) ипини тўқимани бир томонидан иккинчи томонига ўтиш сони.

Ип диаметри қуйидаги формула билан аниқланади.

$$d_T = 0,0316 \cdot C \sqrt{T_T} = 0,0316 \cdot 1,24 \cdot \sqrt{18,5} = 0,16 \text{ мм}$$

$$d_T = 0,0316 \cdot C \sqrt{T_T} = 0,0316 \cdot 1,24 \cdot \sqrt{15,4} = 0,15 \text{ мм}$$

C— ипнинг толавий таркибига боғлиқ бўлган доимий коэффициент.

Пахта толалари учун $c=1,23 \div 1,26$

$K_{Tan.}$ -тўқимани танда иплари билан тўлдириш коэффициенти.

$K_{Арк.}$ -тўқимани арқоқ иплари билан тўлдириш коэффициенти

Тўқимани боғланиш коэффициенти ва тўқимани толали материаллар билан тўлдириш коэффициенти ҳисоби натижаларидан келиб чиқиб, сатин матосини тўқиш учун пневморапирали ва рапирали тўқув дастгоҳларини танладик.

3. Тўқув дастгоҳини ишчи кенглигини танлаш

Тиғ бўйича тандани тахтлаш кенглигига қараб дастгоҳ ишчи кенглиги танланади, хом тўқима кенглигига жавоб бериши керак «Тайёр тўқималар кенглиги» давлат стандарти талабларига жавоб бериш керак. Пахта толасидан ишлаб чиқариладиган тайёр тўқималар кенглиги учун алоҳида давлат стандартлари [4] мавжуд бўлиб, шу асосда қабул қилинади.

3.1. Хом тўқимани пардозлаш жараёнида киришиши (эни бўйича)

$$U_A = \frac{B_X^I - B_T^I}{B_X^I} \cdot 100 = \frac{90 - 85}{90} \cdot 100 = 5\%$$

B_X^I — хом тўқима кенглиги, см .

B_T^I — тайёр тўқима кенглиги, см.

3.2. Пардозлаш жараёнидан сўнг ҳосил бўладиган тайёр тўқима кенглигига мос келадиган хом тўқима кенглигини ҳисоблаш.

$$B_X = \frac{B_T}{1 - 0,01 \cdot U_A} \text{ (см)}$$

$$B_{X1} = \frac{100}{1 - 0,01 \cdot 5} = 105,8 \text{ см}$$

$$B_{X2} = \frac{140}{1 - 0,01 \cdot 5} = 147,3 \text{ см}$$

Хом тўқима кенглиги танлашда дастгоҳ ишчи кенглигидан тўлиқ фойдаланиш керак.

3.3. Тандани тиг бўйича тахтлаш кенглигини ҳисоблаш.

$$B_{T.тиг} = \frac{B_X}{1 - 0,01 \cdot a_A} \text{ см}$$

$$B_{T.тиг1} = \frac{105,8}{1 - 0,01 \cdot 7,3} = 114,13 \text{ см}$$

$$B_{T.тиг2} = \frac{147,3}{1 - 0,01 \cdot 7,3} = 158,8 \text{ см}$$

a_A – тўқув дастгоҳида ҳосил бўлган тўқимадаги арқоқ ипини қисқариши.

$B_{T.тиг}$ – ни ҳисоблаб чиқилгандан сўнг тўқув дастгоҳи ишчи кенглигига таққосланади, яъни $B_{T.тиг} \leq B_{ини}$; $158,8 \leq 170$

$B_{T.тиг}$ билан $B_{ини}$ орасидаги фарқ катта бўлмаслиги керак

4. Тўқима кенглиги ҳисоби

4.1 Тўқима ўртаси кенглиги ҳисоби

$$B_{\ddot{y}p} = B_X - B_M \text{ см}$$

$$B_{\ddot{y}p,1} = 105,8 - 2 = 103,8 \text{ см}$$

$$B_{\ddot{y}p,2} = 147,3 - 2 = 145,3 \text{ см}$$

B_X - Хом тўқима кенглиги, см

B_M - тўқима милки кенглиги, см

4.2. Тўқима милки кенглиги аниқлаш.

Мокисиз тўқув дастгоҳларида тўқима милки зичлиги тўқима ўртаси зичлигига тенг, яъни $P_M = P_{\ddot{y}p}$ ёки тўқима милки зичлиги ўртаси зичлигидан кам бўлади, бунга сабаб тўқимадаги арқоқ зичлиги ўртасига нисбатан тўқима милкида икки баробар кўп бўлади.

Пневморепирали дастгоҳлар учун : $B_M = 1,4 \div 2,0 \text{ см га тенг.}$

5. Танда иплари сони

5.1. Тўқима иплари ўртаси бўйича

$$n_{\check{y}p} = B_{\check{y}p} \cdot P_{\check{y}p} \text{ дона ип}$$

$$n_{y_{p,1}} = 103,8 \cdot 27,5 = 2854,5 \approx 2856 \text{ дона ип}$$

$$n_{y_{p,2}} = 145,3 \cdot 27,5 = 3995,75 \approx 3996 \text{ дона ип}$$

5.2. Тўқима милк иплари сони

$$n_M = B_M \cdot P_M = 2 \cdot 27,5 = 54 \text{ дона ип}$$

5.3. Умумий танда иплари сони

$$n_T = n_{\check{y}p} + n_M \text{ дона ип}$$

$$n_{T,1} = 2856 + 54 = 2910 \text{ дона ип}$$

$$n_{T,2} = 3996 + 54 = 4050 \text{ дона ип}$$

6. Тиғ ҳисоби

6.1. Тиғ номерини аниқлаш

$$N_{Tuz} = \frac{P_T \cdot (1 - 0,01 \cdot a_A)}{Z_{\check{y}p}} = \frac{275 \cdot (1 - 0,01 \cdot 7,3)}{3} = 85$$

$Z_{\check{y}p}$ – тўқима ўртаси ипларини тиғдан ўтиш сони

a_A – тўқимада арқоқ ипи қисқариши, %

N_{Tuz} – ГОСТ бўйича энг яқини танлаб олинади.

6.2. Тиғ тишлари сони

$$X = \frac{n_{\check{y}p}}{Z_{\check{y}p}} + \frac{n_M}{Z_M} + X_{зах} \text{ дона тиш}$$

$$X.1 = \frac{2856}{3} + \frac{54}{2} + 0 = 980 \text{ дона тиш}$$

$$X.2 = \frac{3996}{3} + \frac{54}{2} + 0 = 1359 \text{ дона тиш}$$

Z_M – тифдан милк ипларини ўтказиш сони

$X_{зах}$ – заҳирадаги тиф тишлари сони

Мокисиз тўқув дастгоҳларида заҳира тишлар олинмайди.

7. Шодалар ҳисоби.

Шодалар сони тўқима ўрилишига, танда иплари зичлигига ва уларни ўтказиш усулига қараб қабул қилинади.

7.1. Ўрта иплари учун шодалар гулалари сони ҳисоби

$$\Gamma_{yp} = \frac{n_{\ddot{y}p}}{n_{\text{Шодал.}\ddot{y}p}} \text{ дона гула}$$

$$\Gamma_{yp.1} = \frac{2856}{5} = 571,2 \approx 572 \text{ дона гула}$$

$$\Gamma_{yp.2} = \frac{3996}{5} = 799,2 \approx 800 \text{ дона гула}$$

$n_{\text{Шодал.}\ddot{y}p}$ -5 ўрта иплари ўтказиладиган шодалар сони

7.2. Милк иплари учун шодалар гулалари сони ҳисоби

$$\Gamma_M = \frac{n_M}{n_{\text{Шодалмилк}}} = \frac{54}{2} = 27 \text{ дона гула}$$

7.3. Ҳамма шодалар гулалар сони ҳисоби

$$\Gamma_{ym} = \Gamma_{\ddot{y}p} \cdot n_{\text{Шодал.}\ddot{y}p} + \Gamma_M \cdot n_{\text{Шодалмилк}} + \Gamma_{\text{қўшимча}} \text{ дона гула}$$

$$\Gamma_{ym.1} = 572 \cdot 5 + 27 \cdot 2 + 0 = 2914 \text{ дона гула}$$

$$\Gamma_{ym.2} = 800 \cdot 5 + 27 \cdot 2 + 0 = 4054 \text{ дона гула}$$

$\Gamma_{\text{қўшимча}}$ – қўшимча гулалар сони (ҳар бир шодалар учун $2 \div 4$)

7.4. Шода кенглиги ҳисоби

$$B_{Шода} = B_{Т.Т} + (1 \div 2 \text{ см}) \text{ см}$$

$$B_{Шода.1} = 114,13 + 1,9 = 116 \text{ см}$$

$$B_{Шода.2} = 158,8 + 1,2 = 160 \text{ см}$$

7.5. Шодадаги гулалар зичлиги ҳисоби

$$P_{\Gamma} = \frac{\Gamma_{\ddot{p}}}{B_{Шода}} \text{ Гула/см}$$

$$P_{\Gamma.1} = \frac{572}{116} = 4,9 \text{ Гула/см}$$

$$P_{\Gamma.2} = \frac{800}{160} = 5 \text{ Гула/см}$$

Шодадаги гулалар зичлиги рухсат этилган гула зичлигига тенг ёки ундан кичик бўлиши шарт, яъни $P_{\Gamma} \leq [P_{\Gamma}]$. $T_T = 18,5 \text{ текс}$,

$$4,9 \leq [10 \div 12]$$

$$5 \leq [10 \div 12]$$

8. Танда кузатгич ҳисоби.

8.1. Танда кузатгичлар сони танда иплари сонига тенг.

$$n_{Т.К.1} = n_T = 2910 \text{ дона танда кузаткич}$$

$$n_{Т.К.2} = n_T = 4050 \text{ дона танда кузаткич}$$

8.2. Танда кузатгич зичлиги

$$P_{Т.К} = \frac{n_{Т.К}}{M_{Рейка} \cdot (B_{Шода} + 1)}, \text{ Т.К./ см}$$

$$P_{Т.К.1} = \frac{2910}{4 \cdot (116 + 1)} = 6,2$$

$$P_{Т.К.2} = \frac{4050}{4 \cdot (160 + 1)} = 6,2$$

$M_{Рейка} = 2 \div 6$ – танда кузаткич рейкалари сони

Танда кузаткич зичлиги рухсат этилган зичликдан кичик ёки унга тенг бўлиши шарт, яъни; $P_{Т.К} \leq [P_{Т.К}]$; $T_T = 18,5 \text{секс}$; $6,2 \leq [10 \div 12]$

9. 100 метр хом тўқима тўқиш учун сарфланадиган ип оғирлиги.

9.1. 100 метр хом тўқима тўқиш учун тўқимани ўртасига сарфланадиган танда иплари оғирлиги.

$$M_{yp} = \frac{n_{yp} \cdot T_{yp} \cdot (1 - 0,01 \cdot B\%)}{10^6 \cdot (1 - 0,01 \cdot a_T)} \cdot 100 \text{ кг}$$

$$M_{yp.1} = \frac{2856 \cdot 18,5 \cdot (1 - 0,01 \cdot 1)}{10^6 \cdot (1 - 0,01 \cdot 3,6)} \cdot 100 = 5,4 \text{ кг}$$

$$M_{yp.2} = \frac{3996 \cdot 18,5 \cdot (1 - 0,01 \cdot 1)}{10^6 \cdot (1 - 0,01 \cdot 3,6)} \cdot 100 = 7,6 \text{ кг}$$

9.2. 100 метр хом тўқима тўқиш учун тўқимани милкига сарфланадиган танда иплари оғирлиги.

$$M_M = \frac{n_M \cdot T_M \cdot (1 - 0,01 \cdot B\%)}{10^6 \cdot (1 - 0,01 \cdot a_T)} \cdot 100 = \frac{54 \cdot (18,5 \cdot 2) \cdot (1 - 0,01 \cdot 1)}{10^6 \cdot (1 - 0,01 \cdot 3,6)} \cdot 100 = 0,205 \text{ кг}$$

Юқоридагиларни ҳисоблашда оҳорлаш жараёнидаги танда узайиши В% ҳисобига олинади, В % ни миқдори турли иплари учун қуйидагича:

Якка пахта толали иплар учун – $0,7 \div 1 \%$

9.3. Агар танда оҳорланса, у ҳолда қолдиқ оҳор миқдори ҳисобга олиниб, танда оғирлиги ҳисобланади.

Қолдиқ оҳор миқдори

$$П_{Кол} = \frac{2}{3} \cdot П_x = \frac{2}{3} \cdot 3 = 2, (\%)$$

$П_x$ – ҳақиқий оҳор миқдори, % да

$$M_T = (M_{\check{p}} + M_M) \cdot (1 + 0,01 \cdot \Pi_{Kол})$$

$$M_{T,1} = (5,4 + 0,205) \cdot (1 + 0,01 \cdot 2) = 5,3$$

$$M_{T,2} = (7,6 + 0,205) \cdot (1 + 0,01 \cdot 2) = 7,96$$

9.4. 100 метр хом тўқима учун сарфланадиган арқоқ ипи оғирлиги, кг

$$M_{Ap.} = \frac{P_A \cdot 10 \cdot T_A \cdot L_{Apк}}{10^6} \cdot 100, \text{ кг}$$

$$M_{Ap.,1} = \frac{275 \cdot 10 \cdot 15,4 \cdot 1,16}{10^6} \cdot 100 = 4,9 \text{ кг}$$

$$M_{Ap.,2} = \frac{275 \cdot 10 \cdot 15,4 \cdot 1,6}{10^6} \cdot 100 = 6,8 \text{ кг}$$

$L_{Apк}$ – арқоқни ҳомузадаги узунлиги, метрда

$$L_{Apк} = B_{T.T} + B_M$$

$$L_{Apк,1} = 114,13 + 2 = 116,13 \text{ см. } 1,16 \text{ м}$$

$$L_{Apк,2} = 158,8 + 2 = 160,8 \text{ см. } 1,6 \text{ м}$$

10. 1 метр хом тўқима оғирлиги, кг

$$M_{пзониом} = \frac{M_T + M_{Ap}}{100} \text{ г/м}$$

$$M_{пзониом,1} = \frac{5,3 + 4,9}{100} = 0,102 \text{ кг} = 102 \text{ г/м}$$

$$M_{пзониом,2} = \frac{7,96 + 6,8}{100} = 0,147 \text{ кг} = 147 \text{ г/м}$$

11. 1 метр квадрат хом тўқима оғирлиги

$$M_m^2 = \frac{M_T + M_{арк}}{B_x \cdot 100} \text{ г/м}^2$$

$$M_{м.1}^2 = \frac{5,3 + 4,9}{105,8 \cdot 100} = 0,97 \text{ кг} = 97 \text{ г} / \text{м}^2$$

$$M_{м.2}^2 = \frac{7,96 + 6,8}{1,473 \cdot 100} = 0,100 \text{ кг} = 100 \text{ г} / \text{м}^2$$

12. Тўқима юзасини толали материаллар билан қопланиши, % да.

$$E_{\text{тук}} = E_T + E_{\text{арк}} - \frac{E_T \cdot E_{\text{арк}}}{100} = 44 + 71,25 - \frac{44 \cdot 71,25}{100} = 83,9 \%$$

12.1.Танда бўйича

$$E_T = P_T \cdot d_T \cdot 100 = 2,75 \cdot 0,16 \cdot 100 = 44 \%$$

12.2.Арқоқ бўйича

$$E_A = P_A \cdot d_A \cdot 100 = 4,75 \cdot 0,15 \cdot 100 = 71,25 \%$$

Тўқимани тахтлаш ҳисобини жамлаш жадвали.

№	Кўрсаткичлар номи		Шартли белги	Ўлчов бирлиги	Қиймати	Қиймати
1.	Тўқимани боғланиш коэффициенти		C	-	4,389	4,389
2.	Ўрилиш коэффициенти		F	-	5	5
3.	Тўқимани тўлдирилиш коэффициенти		$K_{Tук}$	-	1,25	1,25
	Тўқимани танда иплари билан тўлдирилиши		$K_{Тан.}$	-	0,85	0,85
	Тўқимани арқоқ иплари билан тўлдирилиши		$K_{Арқ.}$	-	1,47	1,47
4.	Тўқимадаги ипларнинг ўртача чизикли зичлиги		$T_{ур}$	Текс	16,8	16,8
5.	Тўқимадаги ипларнинг диаметри	Танда ипи	d_T	мм	0,16	0,16
		Арқоқ ипи	d_A	мм	0,15	0,15
6.	Тўқимани пардозлашда киришиши		U_A	%	5	5,5
7.	Тўқув дастгоҳи тури, ишчи кенглиги			см	ALPHA PGA	АТПР 120
8.	Тўқима кенглиги	Тайёр тўқима	B_T	см	140	100
		Хом тўқима	B_X	см	147,3	105,8
		Тўқима ўртаси	$B_{ўр}$	см	145,3	103,8
		Тўқима милки	B_M	см	2	2
9.	Танда ипларини тиғ бўйича тахтлаш кенглиги		$B_{T.Тиғ}$	см	158,8	114,1
10.	Танда иплари сони		n_T	Дона	4050	2910
	Ўрта		$n_{ур}$	Дона	3996	2856
	Милк		n_M	Дона	54	54
11	Тиғ номери		$N_{Тиғ}$		85	85
12	Тиғ тишлари сони		x	Дона	1359	980
13	Шодалар сони		$N_{шод}$	Дона	5	5

14.	Шодадаги гулалар сони	Ўрта иплар учун	$\Gamma_{ур}$	Дона	800	572
		Милк иплари учун	Γ_m	Дона	27	27
		Умумий	$\Gamma_{ум}$	Дона	4054	2914
15	Шодадаги гула зичлиги		$P_{г}$	гула/см	5	4,9
16	Танда кузаткичлар сони		$n_{т.к}$	Дона	4050	2910
17	Танда кузаткичлар зичлиги		$P_{т/к}$	т.к./см	6,2	6,2
18	100 м хом тўқима учун ип сарфи		$M_{ур}$ $M_{ми}$ $M_{т}$ $M_{ар}$	кг	7,6	5,4
	а) ўрта иплари учун сарфланадиган танда иплари				0,205	0,205
	б) милк иплари учун сарфланадиган танда иплари				7,96	5,3
	в) қолдиқ оҳор миқдорини ҳисобга олган ҳолда 100 м хом тўқима учун танда иплари сарфи				6,8	5
19	1 м хом тўқима оғирлиги		$M_{ног.}$	гр	147	102
20	1м ² хом тўқима оғирлиги		M_m^2	г / м ²	100	0,99
21	Тўқима юзасини толали материаллар билан қопланиши		$E_{тук}$	%	83,9	83,9
А)	Танда бўйича		$E_{т}$	%	44	44
Б)	Арқоқ бўйича		$E_{а}$	%	71,25	71,25

Тўқима учун технологик жараёнларни танлаш

Лойиҳаланаётган тўқув корхонасининг технологик жараёни юқори тезликда ишлайдиган, сифатли маҳсулот ишлаб чиқарадиган бўлиши керак. Машина ва дастгоҳларни танлашда асосан фойдаланиладиган ипнинг толавий таркиби, чизикли зичлиги, ишлаб чиқариладиган мато тури ва ишлатиш мақсади ва унинг хоссалари асосида танланади.

Танланган технологик жараён қуйидаги технологик шартларни бажариши керак:

- танланган жиҳозлар замонавий талабларга тўлиқ жавоб бериши;
- юқори сифатли тўқима ишлаб чиқариш;
- юқори меҳнат ва машина унумдорлиги;
- хом ашёдан унумли фойдаланиш;
- ўтимлар сони камроқ бўлиши;


-лойиҳаланаётган корхона ўзини қоплаш муддати 2-3 йилдан ошмаслиги керак.

Юқорида кўрсатилганларни амалга ошириш учун юқори самарали дастгоҳ ва машиналарни танлаш, фан ва техника ютуқларини қўллаш энг асосий вазифа ҳисобланади.


Тўқув ишлаб чиқариш жараёнлари технологик занжирини танлашда асосан тўқув дастгоҳи тури, ип ва тўқима таркиби, тузилиши, тўқима эни ва келаётган ўрам кўриниши ҳисобга олинади.

Сатин матосини ишлаб чиқариш учун АТРР 120 см ишчи энга эга бўлган пиневмо рапирали тўқув дастгоҳи танланди. Тўқув дастгоҳи ишчи эни ва тўқувчилик ипларининг хусусиятидан келиб чиқиб, қуйидаги технологик жараёнлар кетма-кетлигини танладик.

Сатин матосини ишлаб чиқариш технологик жараёнлари кетма-кетлиги ($B_x=100$ см)



Сатин матосини ишлаб чиқариш технологик жараёнлари кетма-кетлиги ($B_x=140$ см)



Тандалаш машинаси ва ромини танлаш ва изоҳлаш

Ипларни тандалашдан мақсад - маълум узунликдаги ҳисоб билан аниқланган иплар сонини жамлаб битта ўрама, тандалаш ғалтаги ёки тўқув ғалтагига ўзаро параллел қилиб ўрашдан иборат.

Тандалаш жараёнида тўқиманинг тандаси шаклланади. Технологик нуқтаи назардан тандалаш жараёни муҳим ва маъсулиятли бўлиб, унда бир пайтнинг ўзида бир неча юз иплардан битта ўрама олинади.

Тандалаш жараёнига қуйидаги технологик талаблар қўйилади:

Тўқимачилик матолари ишлаб чиқаришда қуйидаги тандалаш усуллари ва бу усулларга мувофиқ равишда тандалаш машиналари мавжуд бўлиб, битирув малака ишимизда лойиҳаланаётган тўқувчилик корхонасида ишлаб чиқарилиши кўзда тутилаётган Арт. 620 Сатин матосининг тандаси 18,5 тексли якка ип бўлганлиги учун танда иплари оҳорланади. Оҳорлаш учун танда ипларини тайёрлашда асосан гуруҳлаб тандалаш машиналаридан фойдаланилади.

Гуруҳлаб тандалашда тандадаги жами иплар бир гуруҳ танда ғалтакларига тенг тақсимланиб маълум узунликда танда ғалтагига ўралади. Сўнгра танда ғалтакларидан тузилган гуруҳ оҳорлаш машиналарига келтирилади. Ҳар бир танда ғалтагидаги иплар узунлиги бир нечта тўқув ғалтагидаги ипларнинг узунлигига тенг бўлади.

Саноатда Россиянинг СП-140, СП-180, Швецариянинг ZS-R, АҚШнинг DW, Чехиянинг Kovo каби гуруҳлаб тандалаш машиналари кенг тарқалган. Битирув малака ишимизда СП-140 ҳамда HFGA 128 русумли гуруҳлаб тандалаш машинасини қабул қилдик. Бу машиналар ўзининг юқори энда (1200-2200) сифатли танда ғалтакларини тайёрлаши билан бирга тандалаш тезлиги тандаланаётган ипнинг чизиқли зичлигига мос равишда ўзгартириш оралиғининг кенглиги билан ҳам ажралиб туради. Бу машиналарга мос равишда танда ромлари қабул қилинди ва техник кўрсаткичлари келтирилди.

Гуруҳлаб тандалаш машиналарининг техник кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Қиймати	
			СП-140	HFGA 128
1.	Машинанинг ишчи эни	См	1400	1400-2800
2.	Тандалаш тезлиги	м/мин	350-900	10-1200
3.	Танда ғалтаги ўлчамлари:	Мм		
	а) танда ғалтаги гардишлари оралиғи		1400	1400-2800
	б) танда ғалтаги гардиши диаметри		900	800-1200
	в) танда ғалтаги ўқи диаметри		240	300
4.	Электрйоритгич қуввати	кВт	7,2	11
5.	Машинанинг габарит ўлчамлари:	Мм		
	а) кенглиги		2440	1900
	б) узунлиги		1620	3500
	в) баландлиги		1260	2500
6.	Машинанинг массаси	Кг	1300	2300

Тандалаш ромларининг техник кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Қиймати	
			Ш-616-2	V шаклидаги ром
1.	Ром сиғими	Дона	616	640
2.	Бобинанинг ўлчамлари:	Мм		
	а) ўрамнинг катта диаметри		300	300
	б) ўрамнинг кичик диаметри		276	276
	в) патронннинг катта диаметри		64	64
	г) патронннинг кичик диаметри		30	30
3.	Ромнинг габарит ўлчамлари:	Мм		
	а) кенглиги		5570	4659
	б) узунлиги		12200	10350
	в) баландлиги		2410	2450
4.	Ром оғирлиги	Кг		2800

Оҳорлаш машинасини танлаш ва изоҳлаш

Тўқув дастгоҳларида тўқима шаклланиш жараёнида танда иплари турли механик таъсирларга учрайди. Ҳомуза ҳосил қилиш натижасида ипларнинг таранглиги ошади, скалога, ламелга, гулалар ва тиг ҳаракати таъсирида ишқаланади, чўзилади, эгилади. Бу таъсирлар натижасида ипни ташкил этган толалар титилади, айрим толалар тушиб қолади, натижада танда ипнинг ишқаланишга чидамлилиги камаяди, унинг узилиш эҳтимоли ошади. Шунинг учун танда иплари оҳорланади. Танда ипларни оҳорлашдан мақсад, уларнинг кўплаб механик таъсирларга чидамлигини оширишдир. Бунинг учун ипга махсус тайёрланган елимловчи таркиб оҳор шимдирилиб, ип сиртини юпқа парда билан қопланади.

Оҳорлаш машиналари қуриштиш усулига кўра таснифланади. Барабанли, камерали, аралаш ва махсус усулларда ишлайдиган оҳорлаш машиналари мавжуд бўлиб, республикамызда асосан барабанли оҳорлаш машиналаридан кенг фойдаланилади. Саноатда Россиянинг ШБ-11/140, ШБ-11/180 русумли, Швецариянинг Ben-Prokom, Германиянинг Zukker фирмалари барабанли оҳорлаш машиналари қўлланилади.

Битирув малака ишимизда Россиянинг ШБ-11/140, Швецариянинг Ben-Prokom, фирмалари барабанли оҳорлаш машиналарини қабул қилдик. Мазкур оҳорлаш машиналарининг танда ипини қуришти олиш қобилияти жуда юқорилиги билан бошқа оҳорлаш машиналаридан фарқ қилади. Машиналарнинг ипларни қуришти олиш қобилияти оҳорлаш тезлигига, бу эса ўз навбатида машина унумдорлигига таъсир этувчи энг муҳим омил ҳисобланади.

Ben-Prokom оҳорлаш машинасида 8-14тагача барабанлар, ўрнатилган бўлиб, оҳорлаш жараёнинг асосий технологик омиллари автоматик назорат қилинади ва ростланади.

Оҳорлаш машинасининг техник кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Қиймати	
			ШБ- 11/140	«Ben- Prokom»
1.	Оҳорлаш тезлиги	м/мин	150	160
2.	Машинанинг қурита олиш қобилияти	кг/соат	419	450
3.	Қуритиш барабанлари сони	Дона	7	8-14
4.	Тўқув ғалтаги ўлчамлари	Мм		
	а) гардиш диаметри		650	600
	б) ғалтак гардишлари оралиғи		1220	1900
	в) ғалтак ўқи диаметри		146	195
5.	Қуритиш барабани диаметри	Мм	800	1000
6.	Ўрнатиладиган танда ғалтаклари сони	Дона	9	16
7.	Машинанинг габарит ўлчамлари:	Мм	2960	3000
	а) кенглиги		10720	28360
	б) узунлиги		3700	3200
	в) баландлиги			
8.	Электр юритгич қуввати	кВт		8

Улаш машиналари ёки ўтказиш дастгоҳларини танлаш ва изоҳлаш

Улаш ёки ўтказиш технологик жараёни оҳорлаш жараёнидан чиққан тўқув ғалтагидаги танда ипларини тўқув дастгоҳига тахтлаш бўлиб, бу жараёнлар ҳам бошқа технологик жараёнлар каби ўта маъсулиятли ҳисобланади. Бу жараёнларда қилинган ҳато ва камчиликлар жараён тугаб, тўқувчилик жараёни бошланганда, яъни тўқима шаклланаётган вақтда унинг сиртида ўз аксини топади. Шунинг учун бу жараёнда ишлатиладиган машина ва дастгоҳлар, уларга хизмат кўрсатадиган ишчилар юқори малака ва тажрибага эга бўлишлари талаб этилади.

Саноатда Россиянинг ПС, ПСМ русумидаги, АҚШнинг Barber-Kolman, Staubli Delta 200 каби ўтказиш дастгоҳ ва автоматлари мавжуд. ПС, ПСМ русумидаги ўтказиш дастгоҳларида иккита ишчи ишлайди, бири узатувчи, бири ўтказувчи вазифасини бажаради.

Битирув малака ишимизда қабул қилган Россиянинг ПСМ ва замонавий Staubli Delta 200 ўтказиш автоматлари. Бунда иплар махсус йўналтирувчига эга бўлган плстинали гулалардан ўтказилади. Бунда 1та ишчи хизмат кўрсатади, у асосан автоматик бажарилаётган амалларни бошқариш, созлаш ва назорат қилиш билан шуғулланади. Автоматларни бошқариш перфокарта ёрдамида амалга оширилиб, алоҳида огоҳлантирувчи билан жиҳозланган. Танда ипларини ўтказиш тартиби бузилганда огоҳлантирувчи томонидан хабар берилади ва нуқсонларнинг олди олинади.

Ип улаш машиналарининг турлари жуда ҳам кўп бўлиб, қўзғалмас, ҳаракатланувчи ва универсал турлари мавжуд. Саноатда УП-5, УП-2М, АWA-2, Тормatic, КМ6 каби ип улаш машиналари бўлиб, битирув малака ишимизда ип улаш тезлиги юқори бўлган УП-2М универсал ип боглаш ва Тормatic улаш машиналарини қабул қилдик. Уланадиган танда ипларининг чизикли зичликларини ўзгариш оралиғининг юқорилиги бу машиналарнинг турли ассортиментдаги газламалар ишлаб чиқаришга мўлжалланган тўқув корхоналарига қабул қилинишига имкон яратади.

Ўтказиш автоматларининг техник кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Қиймати	
			ПСМ	Staubli Delta 200
1.	Ўтказилаётган ипнинг чизиқли зичлиги	Текс	11-350	3,5-330
2.	Ип ўтказиш тезлиги а) ишчи ҳолатда б) секин ҳолатда	мин/ип	11-12 22-25	200 30
3.	Ип ўтказиш тезлигининг ўзгариши		Поғонали	
4.	Ип ўтказиш тезлигини ўзгартириш поғоналари		12	8
5.	Ип ўтказишнинг максимал эни	Мм	1400-2500	2200
6.	Игнанинг максимал ҳаракат траекторияси	Мм	1650	2200
7.	Ип ажратиб олувчилар сони	Дона	2	2
8.	Ип ўтказишда шодалар сони	Дона	12	8-22
9.	Ип ўтказишда танда кузаткич рейкалари сони	Дона	4-8	4-7
10.	Автомат унумдорлиги	ип/с	3200	3800-5000
11.	Автоматнинг габарит ўлчамлари: а) кенглиги б) узунлиги	Мм	2170-3220 1600	6000 5000
12.	Электр юритгич қуввати	кВт	0,27	1
13.	Электр юритгичнинг айланишлар сони	айл/мин	1325	1500

Улаш машиналарининг техник кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Қиймати	
			УП-2М	Topmatic
1.	Машинанинг ишчи эни	Мм	1750, 2000, 2500	2300
2.	Ипларни максимал улаш тезлиги	мин/улоқ	400	450
3.	Уланаётган ипнинг чизиқли зичлиги	Текс	8,5-500	10-500
4.	Машинанинг габарит ўлчамлари: а) кенглиги б) узунлиги в) баландлиги	Мм	500-600 1970-3200 880-1210	650 2963 1000
5.	Электр юритгич қуввати	кВт	50	1,2

Тўқув дастгоҳларини изоҳлаш

Тўқув дастгоҳлари жуда кўп тамойиллар асосида таснифланади, ишлаб чиқарадиган матосининг толавий таркиби, сирт зичлиги ва қайси мақсадда ишлаб чиқаришига, ишчи энига, арқоқ ташлаш усулига, тўқиманинг шаклланиш тамойилига, қайси турдаги ҳомуза ҳосил қилиш механизми билан дастгоҳланганлигига кўра ва ҳ.к.


Ҳозирги кунда ривожланган давлатларнинг замонавий тўқув дастгоҳлари ишлаб чиқарадиган фирмалари жуда катта ҳажмда ва кенг ассортиментлик имкониятларига эга тўқув дастгоҳларини таклиф қилишмоқда.

Россиянинг митти мокили СТБ, СТБУТ, СТБУД (турли ишчи энга эга), Швецариянинг Zulser, Чехиянинг Elitex, Япониянинг Nissan, Италиянинг Somet, Белгиянинг Picanol, Германиянинг Dorn'e фирмаси ва ҳ.к. тўқув дастгоҳлари ҳозирда ишлаб чиқаришга кенг жорий этилган.

Битирув малака ишимизда Россиянинг АТР-120 русумидаги ва юқори унумдорликка эга бўлган Италиянинг Somet Vamatex фирмаси ALPHA PGA пнивмо рапирали тўқув дастгоҳларини танладик [6]. Тўқув дастгоҳларининг асосий техник кўрсаткичлари 8-жадвалда келтирилди. Бу дастгоҳлар нафақат юқори унум билан ишлаши, шунингдек, ишчи энининг юқори эканлиги билан ҳам характерлидир. Минутига 650-1520 метргача арқоқ ипи ташловчи бу тўқув дастгоҳлари истаган ҳомуза ҳосил қилиш механизми билан дастгоҳланиши мумкин. 8 хилгача арқоқ ипи билан таъминланиши дастгоҳнинг ассортиментлик имкониятини янада оширади. Сирт зичлиги 40-500 г/м²гача бўлган матолар ишлаб чиқариши мумкин бўлган бу тўқув дастгоҳлари электрон бошқарувга эга бўлиб, бунда тўқима ўрилиши, тўқиманинг арқоқ бўйича зичлиги, танда иплари ва матонинг таранглиги каби асосий кўрсаткичлари тўғрисида компьютер дисплейидан маълумот олиш ёки уни қайта ишлаш имкониятига эга. Шунингдек, дастгоҳнинг

тўхташ сабабаларини кўрсатиб берилиши тўқув дастгоҳи меҳнат унумдорлигини оширишга яқиндан ёрдам беради.

8-жадвалда танланган ҳар иккала пневморәпирәли тўқув дастгоҳи дунёнинг нуфузли фирмаларига тааллуқли. Бу дастгоҳлар электрон бошқарувга эга бўлиб, тўқима ўрилиши, 10 смдаги арқоқ ипларининг сони, танда ипи ва тўқиманинг таранглиги, арқоқ ипларининг ранги ва бош вал айланишлари сони электрон дисплей орқали бошқарилади. Бозор иқтисодиёти даврида турли ассортиментдаги матоларга бўлган талабнинг ўзгариш тезлигини ҳисобга олиб, дастгоҳларда тўқимани тахтлаш кўрсаткичларининг осон ўзгартирилиши нафақат дастгоҳнинг афзаллигини белгилайди, шунингдек, корхонанинг самарали ишлашига олиб келади.



ALPHA PGA тўқув дастгоҳининг умумий кўриниши

Тўқув дастгоҳларининг техник кўрсаткичлари

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Қиймати	
			АТР- 120	АЛФА РГА
1.	Дастгоҳнинг ишчи эни	Мм	120	1700-4600
2.	Максимал унумдорлик	М.арқ/мин	900	650-1520
3.	Ҳомуза ҳосил қилиш механизми		Шода кўтариш кареткалари, эксцентрикли, жаккард	
4.	Арқоқ ипи ранги		8	8
5.	Ишлаб чиқариладиган матонинг сирт зичлиги	г/м ²	500 гр гача	40-450
6.	Дастгоҳнинг габарит ўлчамлари:	мм		
	а) кенглиги		4400	2800
	б) узунлиги		2200	2000
	в) баландлиги		2150	2000

Тўқимани саралаш, ўлчаш ва тозалаш машиналарини

танлаш ва изоҳлаш

Тўқув дастгоҳларида тўқилган хом тўқима ҳисоблаш-навларга ажратиш бўлимига юборилади. Бу ерда у навларга ажратилади, ўлчанади, тозаланади ва пардозлаш бўлимига жўнатиш учун тайёрланади. Хом ип тўқимасининг сифати (нави) давлат стандартлари асосида текширилади ва баҳоланади.

Тўқималар сифати уларнинг физик-механик хоссалари нормаларга мос келишига ва ташқи кўринишидаги нуқсонларга қараб баҳоланади. Бунда тўқималарнинг икки нави (биринчи ва иккинчи) белгиланади.

Тўқималарнинг ташқи кўринишидаги нуқсонлар газламанинг маълум чекланган жойларидаги нуқсонларга (доғлар, сийраклик чала ўрилиш, зичлашган жойлар) ва бутун газлама тўпига ёйилган нуқсонларга (кирланганлик, йўл-йўллик, ҳар хил туслилик) бўлинади.

Тўқима сифатини баҳолаш, яъни навини аниқлашда балли системадан фойдаланилади ва у физик-механик хоссалари ҳамда ташқи кўринишидаги нуқсонлар бўйича балларнинг умумий йиғиндиси билан аниқланади.

Тўқима нуқсонларини текшириш ва тўқима узунлигини ўлчаш учун текшириш ва ҳисоблаш бўлимларида саралаш машиналардан фойдаланилади. Бу машиналар текшириш столи билан таъминланган, ва тўқима энини ўлчаш учун металл чизғич ўрнатилган, ҳамда текшириш столига хира ойна қўйилган бўлиб, ички томонидан ёритилади, бу текширишни енгиллаштиради. Стол қиялигини 30° гача бурчакка ўзгартириш мумкин.

Битирув малака ишимизда танланган Stema-203 ва Stema-201 агрегат поток линиясида (6-жадвал) ўлчаш, саралаш, тозалаш ва тарашлаш машиналари мавжуд бўлиб, тез ва кўп электрланадиган тўқималарни ўтказиш тавсия қилинмайди.

**Сифат назорат бўлими агрегат-поток линияларининг техник
кўрсаткичлари**

№	Кўрсаткичлар	Ўлчов бирлиги	Қиймати	
			Stema-203	Stema-201
1.	Ишчи эни	мм	1600-2000	1600-2000
2.	Матони тахтлаш узунлиги	мм	900-1000	1000
3.	Тўқима тезлиги	м/мин	7-42	7-42
4.	Габарит ўлчамлари:	мм		
	а) кенглиги		2600	2600
	б) узунлиги		3200, 3800	2530-2930
	в) баландлиги		1370	2240
5.	Электр юритгич қуввати	кВт	0,8	0,8

Ўрамлар ҳисоби


Тўқувчилик корхоналарига танда ва арқоқ иплари ҳар хил ўрамаларда, жумладан, йигириш найчалари, гардишли ғалтаклар, юмшоқ ўрамли бобиналар, калавалар ва бошқа турдаги ўрамаларда келтирилади. Тўқувчилик технологик жараёнларида ишлатиладиган ўрамлар бир-биридан фарқли бўлиб, кирувчи ва чиқувчи ўрам турлари деган атамани келтириш мақсадга мувофиқ бўлади. Тўқимани шакллантиришда тўқув дастгоҳига танда ва арқоқ иплари алоҳида-алоҳида ўрамаларда келтирилади. Шунинг учун уларнинг тайрланишидаги ўрам туралири ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади.

Тандалаш жараёни учун бобина ёки гардишли ғалтаклар кирувчи ўрама ҳисобланса, тандалаш турига қараб танда ғалтаги ёки тўқув ғалтаги чиқувчи ўрама ҳисобланади. Битирув малака ишимизда гуруҳлаб тандалаш жараёни қабул қилинганлиги учун бу жараёнда чиқувчи ўрам тури танда ғалтаги ҳисобланади.

Оҳорлаш жараёнига танда иплари бир гуруҳ танда ғалтакларига ўраб олиб келинади ва тўқув ғалтаги кўринишига ўтади. Танда ва тўқув ғалтакларининг шакли жуда ўхшаш, лекин улардаги ипларнинг сони ва узунлиги бир-биридан фарқи қилади. Тўқув ғалтагига ўралган танда иплари ўтказиш ёки улаш технологик жараёни орқали тўқув дастгоҳига тахтланади.

Арқоқ иплари тўқув дастгоҳларида арқоқ ташлаш усулига кўра турли шаклдаги ўрамларда келтирилади. Битирув малакавий ишимизда моқисиз тўқув дастгоҳлари танланганлиги боис, конуссимон бобинанинг ҳисоби бажарилди. Ўрамлар ҳисобида ҳар бир ўрамнинг ўлчамлари асосида, ўрамдаги ип ҳажми, юқори ва мувофиқ (ҳақиқий) оғирлиги ва узунлиги ҳисоб қилинади. Қуйида ўрамлар ҳисобини бажарилди ва жамланиб 7-жадвалга киритилди.

1. Тўқув ғалтаги ҳисоби.



Россиянинг АТР-120 тўқув дастгоҳи ғалтаги ўлчамлари:

H_1 - тўқув ғалтаги гардишлари орасидаги масофа, 120 см

$d_{ўқ1}$ -тўқув ғалтаги ўқи диаметри, 14,6см

$D_{Г1}$ -тўқув ғалтаги гардиши диаметри, 65 см

$D_{ўр1}$ -танда ипи ўрами диаметри, 63 см

Италиянинг ALPHA PGA рапирали тўқув дастгоҳи ғалтаги ўлчамлари:

H_2 - тўқув ғалтаги гардишлари орасидаги масофа, 170 см

$d_{ўқ2}$ -тўқув ғалтаги ўқи диаметри, 35см

$D_{Г2}$ -тўқув ғалтаги гардиши диаметри, 80 см

$D_{ўр2}$ -танда ипи ўрами диаметри, 78 см

$$D_{ўр} = D_{Г} - (2 \div 3 \text{ см}) \text{ см}$$

$$D_{ўр1} = 65 - 2 = 63 \text{ см}$$

$$D_{ўр2} = 80 - 2 = 78 \text{ см}$$

1. Тўқув ғалтаги ўрами ҳажми ҳисоби:

$$V = \frac{\pi \cdot H}{4} (D_{ўр}^2 - d_{ўқ}^2) \text{ гр/см}^3$$

$$V_1 = \frac{3,14 \cdot 122}{4} (63^2 - 14,6^2) = 359696,8 \text{ гр/см}^3$$

$$V_2 = \frac{3,14 \cdot 170}{4} (78^2 - 35^2) = 648433,55 \text{ гр/см}^3$$

2. Тўқув ғалтагидаги оҳорланган танда ипларининг оғирлиги ҳисоби:

$$G_{T_{yк.г}}^{Ox.} = \frac{V \cdot \gamma}{1000} \text{ кг}$$

$$G_{T_{yк.г.1}}^{Ox.} = \frac{359696,8 \cdot 0,5}{1000} = 179,8 \text{ кг}$$

$$G_{T_{yк.г.2}}^{Ox.} = \frac{648433,55 \cdot 0,5}{1000} = 324,2 \text{ кг}$$

γ -ғалтакдаги ип ўрамининг нисбий зичлиги, г/см^3

$T_T < 25$ текс учун $\gamma = 0,5 \div 0,52 \text{ г/см}^3$

3. Тўқув ғалтагидаги юмшоқ оҳорланмаган танда ипларининг оғирлиги ҳисоби:

$$G_{T_{yк.г}}^{юм.} = \frac{G_{T_{yк.г}}^{Ox.}}{1 + 0,01 \cdot P_{\text{Хак.}}} \text{ кг}$$

$$G_{T_{yк.г.1}}^{юм.} = \frac{179,8}{1 + 0,01 \cdot 3} = 174,5 \text{ кг}$$

$$G_{T_{yк.г.2}}^{юм.} = \frac{324,2}{1 + 0,01 \cdot 3} = 314,7 \text{ кг}$$

$P_{\text{Хак.}} = 2,5 \div 4\%$ оҳорни ипга сингиш миқдори

4. Тўқув ғалтагига ўралиши мумкин бўлган ипларнинг юқори узунлиги ҳисоби:

$$L_{T_{yк.г}}^{юк.} = \frac{G_{T_{yк.г}}^{юм.} \cdot 10^6}{n_T \cdot T_T \cdot (1 - 0,01 \cdot B\%)} \text{ м}$$

$$L_{T_{yк.г.1}}^{юк.} = \frac{174,5 \cdot 10^6}{2910 \cdot 18,5 \cdot (1 - 0,01 \cdot 1)} = 3274,1 \text{ м}$$

$$L_{T_{yк.г.2}}^{юк.} = \frac{314,7 \cdot 10^6}{4050 \cdot 18,5 \cdot (1 - 0,01 \cdot 1)} = 4242,6 \text{ м}$$

$B\% = 0,7 \div 1,0$ оҳорлаш жараёнида танда ипларининг узайиши, %

n_T -танда иплари сони

T_T -танда ипининг чизиқли зичлиги, текс

5. Тўқув ғалтагидаги ипнинг мувофиқ узунлиги ҳисоби:

$$L_{T_{yк.э}}^{мyв.} = K_p \cdot n \cdot L_T + l_{yм.} + l_{Tк.} м$$

$$L_{T_{yк.э.1}}^{мyв.} = 15,7 \cdot 2 \cdot 104,1 + 0,6 + 2 = 3271,3 \text{ м}$$

$$L_{T_{yк.э.2}}^{мyв.} = 20,4 \cdot 2 \cdot 103,7 + 0,6 + 2 = 4233.56 \text{ м}$$

K_p - 1 та тўқув ғалтагидан олинадиган тўқима бўлак (рулон)лари сони:

$$K_p^I = \frac{L_{T_{yк.э}}^{юк.}}{L_T \cdot n}$$

$$K_{p.1}^I = \frac{3274,1}{103,7 \cdot 2} = 15,7$$

$$K_{p.2}^I = \frac{4242,6}{103,7 \cdot 2} = 20,4$$

Олинган K_p^I қиймат кичик томонга келаси бутун сонга яхлитланади ва K_p деб белгиланади.

L_T -1 та тўқима бўлагига сарфладиган ип узунлиги:

$$L_T = \frac{l_{xом}}{1 - \frac{a_T}{100}} = \frac{100}{1 - \frac{3,6}{100}} = 103,7 \text{ , м}$$

$l_{xом}$ -1 бўлак тўқима узунлиги, 50÷150 м

a_T - танда ипларининг қисқариши, %

n - 1 та рулондаги тўқима бўлаклари сони 2÷3

$l_{yм.} = 0,5м \div 0,8 м$ - ўтказиш жараёнида чиқиндига чиқадиган танда ипи узунлиги

$l_{Tк.} = 2,0м \div 3,0м$ - тўқувчилик жараёнида чиқиндига чиқадиган танда ипи узунлиги

Тўқув ғалтагидаги ипнинг мувофиқ узунлиги тўқув ғалтагига сиғиши мумкин бўлган ипнинг юқори узунлигига тенг ёки кичик бўлиши керак. Акс ҳолда тўқув ғалтаги ўлчамлари ва танланган кўрсаткичлар ўзгартирилиб, танланган кўрсаткичлар қайтадан ҳисоб-китоб қилинади.

$$L_{T_{yк.г}}^{м\ddot{y}в.} \leq L_{T_{yк.г}}^{юк.};$$

$$3271,3 \leq 3274,1$$

$$4233,56 \leq 4242,6$$

6Тўқув ғалтагидаги иппнинг ҳақиқий оғирлиги ҳисоби:

$$G_{T_{yк.г}}^{хак.} = \frac{L_{T_{yк.г}}^{м\ddot{y}в.} \cdot n_T \cdot T_T (1 - 0,01 \cdot B\%)}{10^6}, \text{ кг}$$

$$G_{T_{yк.г.1}}^{хак.} = \frac{3271,3 \cdot 2910 \cdot 18,5(1 - 0,01 \cdot 1)}{10^6} = 174,3 \text{ кг}$$

$$G_{T_{yк.г.2}}^{хак.} = \frac{4233,56 \cdot 4050 \cdot 18,5(1 - 0,01 \cdot 1)}{10^6} = 314,02 \text{ кг}$$


Ҳисоб ишларидан қуйидаги шарт бажарилиши керак:

$$G_{T_{yк.г}}^{хак.} \leq G_{T_{yк.г}}^{ох.}$$

$$174,3 \leq 179,8$$

$$314,02 \leq 324,2$$

2. Танда ғалтаги ҳисоби



Россиянинг СП-140 гуруҳлаб тандалаш машинаси танда ғалтаги ўлчамлари:

H_1 - тўқув ғалтаги гардишлари орасидаги масофа 140 см

$d_{yк.1}$ -тўқув ғалтаги ўқи диаметри 24 см

$D_{Г1}$ -тўқув ғалтаги гардиши диаметри 90 см

D_{yp1} -танда ипи ўрами диаметри 88 см

HFGA 128 гуруҳлаб тандалаш машинаси танда ғалтаги ўлчамлари:

H_2 - тўқув ғалтаги гардишлари орасидаги масофа 170 см

d_{yk2} -тўқув ғалтаги ўқи диаметри 15 см

$D_{Г2}$ -тўқув ғалтаги гардиши диаметри 80 см

D_{yp2} -танда ипи ўрами диаметри 78 см

$$D_{yp} = D_{Г} - (2 \div 3 \text{ см})_{\text{см}}$$

$$D_{yp.1} = 90 - 2 = 88 \text{ см}$$

$$D_{yp.2} = 80 - 2 = 78 \text{ см}$$

1. Танда ғалтаги ўрами ҳажми ҳисоби:

$$V = \frac{\pi \cdot H}{4} (D_{yp}^2 - d_{yk}^2) \text{ гр/см}^3$$

$$V_1 = \frac{3,14 \cdot 140}{4} = (88^2 - 24^2) = 787763,2 \text{ гр/см}^3$$

$$V_2 = \frac{3,14 \cdot 170}{4} = (78^2 - 15^2) = 781883,5 \text{ гр/см}^3$$

2. Танда ғалтагидаги ипнинг оғирлиги ҳисоби:

$$G_{\text{Тан.г}} = \frac{V \cdot \gamma}{1000} \text{ кг}$$

$$G_{\text{Тан.г.1}} = \frac{787763,2 \cdot 0,5}{1000} = 393,8 \text{ кг}$$

$$G_{\text{Тан.г.2}} = \frac{781883,5 \cdot 0,5}{1000} = 390,9 \text{ кг}$$

γ -ғалтакдаги ип ўрамининг нисбий зичлиги, г/см^3

3. Танда ғалтагига сиғиши мумкин бўлган ипнинг юқори узунлиги ҳисоби:

$$L_{\text{Тан.}\varepsilon}^{\text{юк.}} = \frac{G_{\text{Тан.}\varepsilon} \cdot 10^6}{T_T \cdot m_\Gamma} \text{ м}$$

$$L_{\text{Тан.}\varepsilon.1}^{\text{юк.}} = \frac{393,8 \cdot 10^6}{18,5 \cdot 582} = 36574,7 \text{ м}$$

$$L_{\text{Тан.}\varepsilon.2}^{\text{юк.}} = \frac{390,9 \cdot 10^6}{18,5 \cdot 675} = 31303,3 \text{ м}$$

$G_{\text{Тан.}\varepsilon}$ – танда ғалтагидаги ипнинг оғирлиги, кг

T_T – танда ипининг чизиқли зичлиги, текс

m_Γ – танда ғалтагидаги иплар сони, дона

а) гуруҳдаги танда ғалтаклари сони:

$$K_{\text{Тан.}\varepsilon}^1 = \frac{n_T}{n_p}$$

$$K_{\text{Тан.}\varepsilon.1}^1 = \frac{2910}{616} = 5$$

$$K_{\text{Тан.}\varepsilon.2}^1 = \frac{4050}{640} = 6$$

n_T – тўқув ғалтагидаги иплар сони, дона

n_p – танда ромининг сиғими, дона

Олинган $K_{\text{Тан.}\varepsilon}^1$ қийматини катта томонига бутун сонга яхлитлаймиз ва $K_{\text{Тан.}\varepsilon}$ билан белгилаймиз.

б) Танда ғалтагидаги иплари сони, дона

$$m_\Gamma = \frac{n_T}{K_{\text{Тан.}\varepsilon}} \text{ дона}$$

$$m_{\Gamma.1} = \frac{2910}{5} = 582 \text{ дона}$$

$$m_{\Gamma.2} = \frac{4050}{6} = 675 \text{ дона}$$

m_Γ – қиймати бутун сон бўлиши керак.

4. Танда ғалтагидаги билан тўқув ғалтагидаги ип узунликлари орасидаги мувофиқ узунлик ҳисоби.

а) Бир гуруҳ танда ғалтакларидан олинадиган тўқув ғалтаклари сони ҳисоби:

$$K_{Тан.г}^I = \frac{L_{Тан.г}^{юк.}}{L_{Тук.г}^{мув.}} \text{ дона}$$

$$K_{Тан.г.1}^I = \frac{36574,7}{3274,1} = 11,1 \text{ дона}$$

$$K_{Тан.г.2}^I = -\frac{31303,3}{4233,56} = 7,39 \text{ дона}$$

$L_{Тан.г}^{юк.}$ - танда ғалтагига сиғиши мумкин бўлган ипнинг юқори узунлиги, м

$L_{Тук.г}^{мув.}$ - тўқув ғалтагидаги ипнинг мувофиқ узунлиги, м

$K_{Тан.г}^I$ қийматни келаси кичик сон томонга яхлитлаймиз ва $K_{Тан.г}$ деб белгилаймиз.

б) танда ғалтагидаги ипнинг дастлабки мувофиқ узунлиги, метр

$$L_{Тан.г}^{I^{мув.}} = L_{Тук.г}^{мув.} \cdot K_{Тан.г} + l_{ох} \text{ м}$$

$$L_{Тан.г.1}^{I^{мув.}} = 3271,3 \cdot 11 + 45 = 36029,3 \text{ м}$$

$$L_{Тан.г.2}^{I^{мув.}} = 4233,56 \cdot 7 + 42,85 = 29677,77 \text{ м}$$

$l_{ох}$ – оҳорлаш жараёнида чиқадиган чиқинди ип узунлиги, м

$$l_{ох} = l_1 + l_2 \cdot \left(\frac{K_{Тан.г} - 1}{K_{Тан.г}} \right), \text{ м}$$

$$l_{ох.1} = 35 + 15 \cdot \left(\frac{11 - 1}{11} \right) = 45 \text{ м}$$

$$l_{ох.2} = 35 + 15 \cdot \left(\frac{7 - 1}{7} \right) = 42,85 \text{ м}$$

$l_1 = 33_m \div 42_m$ – елимланган (оҳорланган) ип учлари узунлиги, метр

$l_2 = 15_m \div 20_m$ – танда ғалтагида қоладиган юмшоқ (оҳорланмаган) ипларнинг ўртача узунлиги, м

